

**“GIDROMAXSUSQURILISH” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
баённомасидан кўчирма**

30.06.2018 йил

Тошкент шаҳри

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй “GIDROMAXSUSQURILISH” АЖнинг маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 11:00 да бошланди.

Йиғилиш Қонунчилик талаблари, жамиятнинг Устави ва кузатув кенгашининг 2018 йил 18 июндаги мажлиси қарорига асосан чақирилди.

Акциядорлар мазкур йиғилишни бўлиб ўтиши тўғрисида кузатув кенгашининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда, вақтда ва муддатда хабардор қилинганлар (жисмоний шахсларнинг электрон манзиллари жамиятда бўлмаганлиги сабабли уларнинг электрон почта манзилига хабарномаларни юборишнинг имкони бўлмади). Шунингдек, йиғилиш бўлиб ўтиши ҳақидаги хабарнома *жамиятнинг расмий веб-сайтида* (www.gidross.uz), *Корпоратив ахборотлар ягона порталида* (www.openinfo.uz) ҳамда *“Biznes Daily-Биржа” газетасининг* 2017 йил 21 июндаги 69(2392)-сонидан жойлаштирилган.

Йиғилишда жамиятнинг кузатув кенгаши раиси И.Сунатов узрли сабабларга кўра иштирок этмаганлиги сабабли, йиғилиш раиси этиб “O’zbekgidroenergo” АЖнинг Корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи А.М.Махамадов ва котиби этиб К.Р.Курбоналиевани тайинлаш масаласи овозга кўйилди ва акциядорлар томонидан бир овоздан маъқуллади.

Йиғилиш раиси этиб, “O’zbekgidroenergo” АЖнинг Корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи **А.М.Махамадов** ва котиби этиб **К.Р.Курбоналиева** сайланди.

Йиғилиш саноқ комиссиясининг маълумотига кўра жамият акциядорларининг 26.06.2018 йил ҳолатига шакллантирилган реестрига асосан “Gidromaxsusqurilish” АЖ томонидан жами 1 354 800 дона оддий акциялар чиқарилган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 180 та ва уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони 1 320 800 донани ташкил этди.

Йиғилишда 1 288 440 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядорлар, шу жумладан “O’zbekgidroenergo” АЖ номидан 27.06.2018 йилдаги 01-22/1191-сонли ишончномага асосан жамиятнинг вакили А.М.Махамадов (1 287 060 дона акция) ва 4 та жисмоний шахслар (1380 дона акция) қатнашди.

Йиғилиш қворуми **97,5 фоизни** ташкил этди. Шу муносабат билан йиғилиш қарор қабул қилиш учун ваколатли.

ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. *Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш, йиғилиш саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;*

2. *Кузатув кенгашининг 2017 йил бошқарув фаолияти бўйича ҳисоботини тинглаш;*

3. *“Gidromaxsusqurilish” АЖ Ижроия органи (Бош директори)нинг 2017 йил учун бизнес план бажарилиши ва молия-хўжалик фаолиятининг йиллик ҳисоботини эшитиш;*

4. *“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;*

5. *“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси текшируви хулосасини тасдиқлаш;*

6. *“Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосасини тасдиқлаш;*

7. “Gidromaxsusqurilish” АЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташиқлот хулосасини тасдиқлаш;
8. 2017 йил бўйича жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш;
9. Жамиятнинг 2018 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш;
10. Жамиятнинг ташиқлий тузилмасини тасдиқлаш;
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
13. Жамиятнинг ижроия органи (Бош директори) билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш;
14. Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган давр мобайнида жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти давомида содир этилиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш.

Йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишни асосий қисми бўйича чиқишлар йиғилиш президиуми бўйича олиб борилди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг вакили А.М.Махаматов сўзга чиқиб, “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 16 январ 2018 йилдаги №01-22/89-сонли хати билан жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун куйидаги номзодлар таклиф этилганлигини айтиб ўтди ва номзодлар тўғрисидаги, жумладан уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ўқиб эшиттирди:

1. Шералиев Уткирбек Исманович - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Истикболли ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият бош бошқармаси бошлиғи;

2. Олланазаров Баҳром Отажонович – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бош бухгалтери;

3. Махаматов Адхамжон Махмуджонович - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи;

4. Суллийев Аскар Бекташевич - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Гидротехникавий иншоотлари назорати бўлими бошлиғи;

5. Ибрагимова Гузал Бахтияровна - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси бош мутахассиси бўлиб ишлайди.

Йиғилиш раиси А.М.Махаматов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенларига овозларини акс этиришни сўради ва қонунчиликка кўра кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш тартиби ҳақида қисқача тушунтириш берди.

Овоз бериш натижалари:

1. Шералиев Уткирбек Исманович - овозлар сони 1 288 440 та

2. Олланазаров Баҳром Отажонович - овозлар сони 1 288 440 та

3. Махаматов Адхамжон Махмуджонович - овозлар сони 1 288 440 та

4. Суллийев Аскар Бекташевич - овозлар сони 1 288 440 та

5. Ибрагимова Гузал Бахтияровна - овозлар сони 1 288 440 та

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан сўзга йиғилиш раиси А.М.Махаматов сўзга чиқиб, “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг юқоридаги хати билан жамиятнинг тафтиш комиссиясига куйидаги номзодлар таклиф этилганлигини маълум қилди ва номзодлар ҳақида маълумотларни акциядорларга ўқиб эшиттирди:

1. Хафизов Жавахир Журабоевич - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Пул оқимларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси;

2. Садиков Нодирбек Муталифович - “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси 2 тоифали мутахассиси;

3. Нармуратов Бахриддин Нематуллаевич - “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Бухгалтерияси бош мутахассиси.

Шундан сўнг, жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни сайлаш овозга қўйилди:

1. Хафизов Жавохир Журабоевич
2. Садиқов Нодирбек Муталифovich
3. Нармуратов Бахриддин Нематуллаевич.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдорлар”- 1 288 440 та овоз; “қарши”- йўқ; “бетараф”-йўқ;

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи А.М.Махаммадов сўзга чиқиб, жамиятнинг амалдаги Бош директори К.Ш.Фатиллаев билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш бўйича овоз беришни акциядорлардан сўраб мазкур масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилиш таклифини киритди:

1. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг Бош директори К.Ш.Фатиллаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга узайтирилсин.

2. Жамият кузатув кенгаши раисига жамиятнинг Бош директори (К.Ш.Фатиллаев) билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдорлар”- 1 288 440 та овоз; “қарши”- йўқ; “бетараф”-йўқ;

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди, акциядорлардан қўшимча ва таклифлар тушмаганлиги сабабли, акциядорларнинг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

11-масала бўйича:

Жамият кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Шералиев Уткирбек Исманович
2. Олланазаров Бахром Отажонович
3. Махаммадов Адхамжон Махмуджонович
4. Суллийев Аскар Бекташевич
5. Ибрагимова Гузал Бахтияровна

12-масала бўйича:

Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Хафизов Жавохир Журабоевич
2. Садиқов Нодирбек Муталифovich
3. Нармуратов Бахриддин Нематуллаевич.

13-масала бўйича:

1. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг Бош директори К.Ш.Фатиллаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга узайтирилсин.

2. Жамият кузатув кенгаши раисига жамиятнинг Бош директори (К.Ш.Фатиллаев) билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш юклатилсин.

Йиғилиш котиби

К.Р.Курбоналиева

Баённома “09” июл 2018 йилда имзоланди.

